

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

“BIZNES CENTR SAMARQAND” АЖ КК директори

Адресат: У.К. Юлдашевга (реквизитлари: Самарқанд ш. Куксарой майдони-1уй.
Банк х/рақами 20214000000502160001. МФО: 00264, «САКА» АТБ Самарқанд
регионал филиали, СТИР 200 613 624

Мен, МЧЖ шаклидаги “KOMIL-ISHONCH” аудиторлик ташкилоти (реквизитлар: 140100, Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 26.02.2008 йилда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензия АФ №00121, 2007 йил 20 декабрда берилган 513-сон гувоҳнома, х/р 20208000503941081001 «Савдогар» банк Самарқанд вилоят филиали, код 00286, СТИР 202631355, ХХТҮТ 84400, тел.(99891) 520-65-83, 520-64-48, *Urazov-davlat@rambler.ru*, UZBEKINVEST» ЭИМК томонидан 26.02.2019 йилдан 25.02.2020 йилгача бўлган давр учун берилган А 309071- сонли суғурта полиси) директори, аудитор Баймурадов Химмат Вайдуллаевич (сертификат № 05405, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 20.08.2016 йилда берилган) аудитор Хасанов Шерали Хатамович (сертификат № 05311, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 20.08.2016 йилда берилган) 2019 йил 02 апрелда мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича тузилган № Бу-1 шартнома асосида

“BIZNES CENTR SAMARQAND” АЖ КК нинг

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот шаклларида иборат булган 31 декабр 2018 йил ҳолатига молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, “BIZNES CENTR SAMARQAND” АЖ ККнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизининг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект

“BIZNES CENTR SAMARQAND” АЖ ККнинг

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

2018 йил 31 декабрь ҳолатига аудиторлик материаллари асосида тузилган молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги “KOMIL-ISHONCH”
аудиторлик ташкилоти директори

Баймурадов Х.В.

аудиторлик ташкилоти аудитори

Хасанов Ш.Х.

2019 йил 22 апрел

